



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 20 март, якшанба № 48 (1889)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!**  
**Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!**  
**Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошларим! Она заманимиз узро офтоб чарқлаб, бегубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу кутлуг ва мунаввар кунларда сиз, қадрли юртдошларимиз бу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида - азим пойтахтимиз Тошкентда, гўзал Фарғона vodiysi, кўхна Самарқанду Бухоро, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасида, Сурхон ва Қашқадарё, Навоий ва Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида - боғу роғлар, қир-адирлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзи оламни катта хурсандчилик билан байрам қилаётган инсонларга, бутун Ўзбекистон аҳлига ўзимнинг самимий тилакларим ва ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар! Биз Наврўз айёмини ҳамisha орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Борлиқ чирой очиб, яшариб-янгиланаётган мана шу фусункор паллада Наврўз бамисоли эшик қоқиб, «Ассалом, эй азиз инсон!» деб оstonамиздан кириб келаятгандек туюлади. Ва ўз навбатида биз ҳам, шу саховатли заминда истиқомат қилаётган жамики инсонлар «Хуз келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг кутлуг бўлсин!» деб унга пешвоз чиқамиз.

Бу дилбар фаслда табиатнинг уйғониши, майса-ғиёҳларнинг турпоқни ёриб кўшга интилиши, қуртакларнинг очилиши, камалакнинг турфа рангда товланиши - еру қўлда рўй берадиган буюк ўзгаришлар, илоҳий мўъжизалар ҳар қандай инсонни ҳам ҳайратла солади. Табиатнинг очилиши билан одамзот қал-

бида ҳам мудраб ётган эзгу хиссиётлар уйғонади.

Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ уйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намён эътиборингиз энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аждоқларимиз, ота-боболаримиз кўш хайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризку рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сурганлар.

Бугун ҳам ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган буз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилган бораётган сулув қизларни, дош-қозонлар атрофида ўйин-кулгу, хурсандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осийшталаникни нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуа даҳтининг қадрини янада тeранроқ англаймиз.

Мана шундай шуқуҳли дақиқаларда табиат ҳам бамисоли она сингари бағрини очиб, одамларга меҳр улашди, уларни эзгулик ва яхшиликка қорлайди. Ҳар қайси инсон бу ганимат дунёда Оллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, бир-бирига, ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, нуруний кесаларимизнинг дуосини олишга, бе-морлар, етим-есир, қўнгли ярим қишларга ёрдам ва кўмак беришга интилади ва бундай савобли ишлардан беихтиёр ўзининг ҳам дили ёришади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг узок-яқин худудларида бўлиб ўтаётган шодина сайилларида миллати,

тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг иш-тирик эътиборини, қўллаб-қўрғаш меҳмонларнинг бизнинг қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз «Сихат-саломатлик йили»нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмақда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда кўзда тутилган максadлар, авваламбор, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш беришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, иншооллох.

Азиз дўстларим, биродарларим! Янги кун, янги йил бошланаётган шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз энг аввало Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризк-рўзимиз бунёдкорлари бўлиши захматқаш дехқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!

Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Эро, Истиклол туғайли халқимиз қалбиди бунёдкорлик бўлоғи кўз очди. Ҳамюртларимизнинг ҳар йили Наврўз айёми арафасида юртимизнинг барча гўшаларини саранжом-саришталаш, кенг миқёсда кўкalamзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳашар уюштириши замирида ҳам ана шундай яратувчанлик қайфияти муҳассам.**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март - умумхалқ ҳашари кунини пойтахтимиздаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг бо-риши билан танишди. Юртбошимиз даставвал Бешёғоч майдонида бўлди.**

## ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК ВА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Бешёғоч майдони азалдан салқин, баҳаво жой бўлган. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг бошқа худудлари қатори бу ернинг қиёфасини тубдан янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари майдоннинг янги манзараси тархи билан танишди. Унинг атрофидаги бино ва иншоотлар, анҳор ва ариқлар, кўприк ва йўллар, дархазор ва гулзорлар ўза-ро яхлитлик, уйғунлик касб этиши муҳим эканига эътибор қаратди.

Пойтахтимизнинг ҳар бир майдони ўзининг алоҳида мейморий ечими, ранг-бегази ва кўринишига эга бўлиши керак, деди Президентимиз. Шу маънода, Бешёғоч майдони Хадра, Эски Жўва ёки шаҳарнинг бошқа майдонларидан ажралиб турадиган ўзига хос манзара касб этиши лозим. Майдон ҳуши-чиroyини очишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш, дид ва нафосат билан ёндашмоқ зарур. Атрофдаги кўприқлар ҳам санъат асари даражасида тайёрланиши даркор. Ҳар бир бино безагию буюғича майдоннинг яхлит ҳам-молини очишга хизмат қилмоғи керак.

Шаҳарни, унинг ҳар бир майдонини бу тахлит беэтибордан мақсадимиз пойтахт аҳли ва меҳмонлар, айниқса, ёшларимизнинг

баҳри дили очилиб, хордиқ чиқаришига қаратилган, деди Юртбошимиз. Шундай экан, пойтахтимизнинг келгусида қандай тароват касб этишини белгилашда ҳамшаҳарларимизнинг хоҳиш-истагига кўпроқ таяниш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Бешёғоч майдонига туташ Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мазкур боғнинг умумий майдони 112 гектарни ташкил этади. Унинг қоқ ўртасида кўл доираси 2200 метр-дан иборат. Илгари кўлни тўлдирish механизми пухта ишлай қичилмагани туғайли суви лоёқ бўларди. Энди бу борадаги вазият тубдан ўзгармоқда. Ислом Каримов кўлни тўлдирish ишларининг режаси билан танишиб, мутахассисларга тегишли тавсия ва топшириқлар берди.

Юртбошимиз Миллий боғни ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш билан боғлиқ ишларни чуқур тахлил қилиб экан, бир неча амалий тахлилларни ўртага ташлади. Ислом Каримовнинг тахлилларига, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳузурида Миллий боғдаги ҳар бир дархат, бута ва гулнинг парвариши учун масъул алоҳида департамент ташкил этиш лозим. Ушбу тўзимла вакиллариди боққа нисбатан ўз ҳовлисида ишлагандек муносабатни шакллантириш керак. Дунё тажрибаси бундай ёндашув ўзини тўла

оқлашини кўрсатмоқда.

Боғни тўла шакллантиришнинг беш йиллик режасини тузиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Қарерда қандай дархат ва гул экилади, қайси жойда қандай чаманзор ва аллея барпо этилади - ҳаммаси ана шу режада ўз аксини топиши зарур. Нанки қандай кўчат ўтказиши, балки уни қачон экиш ҳам муҳимдир. Эски замонда ҳар йили 19 апрелда

корхонаси, замонавий поликлиника, ёшларни интеллектуал ривожлантириш «Истеъдод» маркази, спорт мажмуаси, Форобий кўчасидаги оилавий шифона каби маданий ва маънавий хизмат шоҳобчалари, таълим-тарбия муассасалари мазкур худуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Юртбошимиз Эски шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутахассисларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди. Бу ердаги майдондан оқилона фойдаланиш кераклигини ўқитди. Аввало, қўшимча боғ ва майдонлар, фавворалар барпо этиш лозим. Сотувчилар ва харидорларга янада кенгроқ қўлайлик яратиш мақсадида Эски Жўва бозорида қўшимча савдо павильонлари, бошқа муҳим объектилар қуриш зарурлиги ўқитилди.

Ислом Каримов барпо этиладиган бинолар қуришини, ранги, безатилиши пойтахтимизнинг яхлит қиёфасига мос бўлиши лозимлигини ана бир бор таъкидлади. Бунёд этилиши режалаштирилган моделлар уйи, болалар ижодиёти маркази, бутун шаҳарни баландликдан томоша қилиш имконини берадиган майдонча лойиҳаси қурилишига оид масъалат ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий номидаги боғда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирар экан, ушбу маскани Эски шаҳар худудида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болаларнинг энг севимли гўшаларидан бирига айлантириш лозимлигини қайд этди.

Тинчлик ва тараққиёт йўлидан бораётган юртва бунёдкорлик ишлари, байрамлар ярашади. Пойтахтимиз Наврўз арафасида янги ва замонавий қиёфада намён бўлаётгани халқимизнинг севимли байрамига ўзгача шуқуҳ бағишламоқда.

**Ғулom МИРЗО,**  
**Норали ОЧИЛОВ,**  
**ЎЗА МУХРИЛАРИ**

## Ўзбекистон Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси қурултойидан ИСТИҚБОЛГА ПЕШВОЗ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок темирйўл транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган «Нукус-Мискин-Учкудук» янги темирйўли, барпо этилаётган «Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган» йўналиши, Хоразм вилоятининг Тошқоса посёлқаси яқинида ажойиб кўприк қурилишининг тугалланиши нафақат 2004 йилнинг, балки кейинги юз йилликнинг энг йирик тарихий воқеаларидан бирига айланди.**

Ўтган йиллар мобайнида темирйўлларни электрлаштириш натижасида Тошкент-Мароқанд темирйўл тизими фойдаланишга топширилди. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Бухоро шаҳарлараро тезюзар поездларининг қатнови йўлга қўйилди. Осие тараққиёт банки сармояси ҳисобига «Келес-Мароқанд» йўналишидаги йўлларни реконструкциялаш муваффақиятли яқунланди.

Ушбу муваффақиятлар замирида аввало соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш ётади. Чунки ушбу тамойиллар меҳнат унвондорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси сафида 183 та бошланғич, 5 та худудий, 4 та бирлашган касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Улар ўз

сафида 65786 нафар аъзо-ни бирлаштирган. Марказий кўмита фаолиятининг асосий мақсади ўз аъзоларини касбий, меҳнатта оид, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

Марказий кўмита ўз сафларида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компаниясига қарашли корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларини ҳамда ушбу тармоққа тегишли ўқув юртлари талабаларини ихтиёрий равишда бирлаштирган. Марказий кўмита ўз фаолиятини «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компанияси билан тузилган Тармоқ Битими, тизимдаги корхона ва ташкилотларда эса жамoа шартномалари асосида олиб борилади. Фаолият йўналишлари асосини ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ва ижтимоий шерикчилик ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)



Халқимизда ҳашар - элга ярашар, деган нақл бор. Бу йил ҳам сариосиёликлар умумхалқ ҳашарига янги ташаббус билан чиқиди. Катта йўлар атрофларида арча ва бошқа турдаги манзарали кўчатлар экилди. Айниқса, «Сангардак» жамoа ҳўжалигида истиқомат қилаётган аҳоли

бу йил ҳар йилгидан кўп боғ ва ўрмонлар барпо этишди. «Оқ қон», «Боғбойла», «Тепламайдон» каби ерларга мевали дархатлар ўтказилди.

— Дала ва қирлар, боғлар ҳамда ҳовлиларда режа асосида ҳашарлар ташкил этилди. — дейди ҳўжалик раиси Хусниддин Низомид-

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ЗЎР УЮШҚОҚЛИК ВА КЎТАРИНКИЛИК РУҲИДА ЎТДИ БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ

Ўлкамизда гўзал баҳорнинг майин шабадаси эсиб, Наврўз байрами кираб келмоқда. Бу байрамни халқимиз ўзгача соғинч ва зўр шоду хуррамлик ила кутиб олади.

Вазирлар Маҳкамасининг Фармо-йишига биноан Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги тизими ходимлари Сихат-саломатлик йилида Наврўз байрамига муносиб тайёргарлик кўриш, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир ойлиқда фаол қатнашапти.

19 март кунини умумхалқ ҳашари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида уюшқоқлик билан ўтди. Ҳайр-

ли ишларга жамoамиз меҳнат аҳли ҳам муносиб ҳисса қўшди. Унда 174 нафар қўмита ходими ва унинг жойлардаги мутахассислари фаол қатнашдилар.

Шу кунини иш жойлари тартибга келтирилди. Ен-атроф ободонлаштирилиб, гулзорлар янгиланди. Дераза-эшиклар таъмирландиб, қайта бўёқланди. Жойларда 4600 дан ортик мевали ва манзарали дархат ҳамда 1200 та гул қўчат-и экилди.

8 километрга яқин ариқлар таъмирланиб, тозаланди. Чикиндилар шаҳар-

дан ташқарига чиқарилди. Ундан ташқари меҳнат байрамида кўмитамиз ходимлари ва унинг жойлардаги мутахассислари иштирокида шаҳар ва туман кўчалари, хиёбонлари, аҳоли истиқомат қиладиган жойларга кўрку тароват бахш этилди.

Ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи вилоят «Маҳалла» жамгармаси ҳисоб-рақамига ўтказилди. Қўмитамиз меҳнат аҳли бундан буён ҳам мана шундай аҳли ҳайри, савобли ишларда бир тан, бир жон бўладилар.

**Б. РАҲМАТОВ,**  
**Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси**

## САНГАРДАККА ЧИРОЙ БАҒИШЛАБ

динов. — Қишлоқ ўртасидан оқиб ўтувчи дарё қирғоқлари чиқиндилардан тозаланди.

Ҳашарда Амиркуловлар хонадони алоҳида ўрнак кўрсатди. Асли белоруслик бўлган Татьяна хола фарзандлари билан ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ишларига катта ҳисса қўшди. 30 йилдан буён қишлоқда истиқомат қилиб,

Ўзбеконa урф-одатларни яхши кўрган ва аёл сумалак тайёрлашни ҳам қойил қилади. Аҳоли йил тўқин-сочин келсин, ҳосил мўл бўлсин, тинч-тотув яшайлик, дея дуога қўл очади.

Ҳўжалиқдаги 2 та мактабда ҳам умумхалқ ҳашари зўр уюшқоқлик билан ўтказилди.

**Х. КОДИРОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири**



## КОЛЛЕЖ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Наврўз байрами арафасида Навбахор туманидаги агроиктисодиёт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Коллежда молия, бухгалтерия ҳисоби, менежмент, қишлоқ ҳўжалиги машиналари ва компьютер жиҳозларини таъмирлаш, тикувчилик йўналишида мутахассислар тайёрланади.

Олти юз ўқувчига мўлжалланган янги бино фан кабинетлари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Замонавий спорт мажмуи эса спорт зали, теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол, ёнглик атлетика майдонларини ўз ичига олган.

Коллежни Қизилтепа туманининг «Наврўз» масъуляти чекланган жамият бунёдкорлари қўриб битказди.



«ХАЙ - ЛАЙН» ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ: баҳор хосиятли келди

Охириги йилларга келиб, окроклиниб қолган Қибрай туманидаги паррандачилик фермаларидан бирини бундан уч йил муқаддам тадбиркор Пётр Семенов жўсайлаштириб олган эди. Атрофига катта тажрибага эга бўлган, паррандачилик соҳасини яхши билган фидойи кишиларни жалб қилди. Ўзбекистон Республикаси Қўшма Корхонасидаги баҳор хосиятли паррандачилик бошқармаси мутахассислари ҳам қараб туришмади. Тадбиркорга ўз масъулиятлари билан ёрдам берди. Янгидан очилган «Насл-парранда» ферма жамоаси банкдан кредит олиб, 35 миң наслик паррандалар боқишга мулкчиланган бийони қайта таъмирдан чикарди. У янги техник ускуналар билан жиҳозланди. Америка Қўшма Штатларининг дунёга машҳур бўлган «Хай-Лайн» зотли она товуқлар етиштириладиган компания билан ўзаро шартнома имзоланди. Мазкур компания 1936 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда дунёнинг 110 мамлакатига наслдор ҳўжа ва сифатли туҳум маҳсулотларини етказиб беради. Хозирги кунда олиб келинган 15000 бош парранда технология талаблари асосида боқилмоқда. Натжижада она товуқлар туҳум қўйиш палласига кирди. Айни чоғда сифатли ва мазали туҳумлар аҳоли истеъмولى учун дўконларга жўнатилмоқда. Қолажақда «Хай-Лайн» зотли товуқларини паррандачилик фермаларига, қолаверса Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларига ҳам етказиб бериш кўзда тутилган.

Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири



аҳолига юқори сифатли неъматлар етказиб беришда намуна бўлишмоқда. Суратларда: корхона ишчилари Ойбек Ҳайитов ва Сайёра Авлакулова (ўнгда); ўз кабинетининг устаси Дилором Мирзаева маҳсулотидан хурсанд.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

Ўзбекистон Темирўйчилар ва транспорт қурувчилари касабга уюшмаси қурултойидан

ИСТИҚБОЛГА ПЕШВОЗ

(Боши 1-бетда) Ҳисобот даврида Марказий қўмита компания раҳбарияти билан Республикада халқ ҳўжалигининг юклар ва йўловчиларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқаришда барқарорликни мустаҳкамлаш, бутун қуч-ғайратини темирўйчилар ва транспорт қурувчиларининг иш ҳақи, маиший турмуш даражасини оширишга, дам олиш ва бандлик соҳасида иш бериувчилар олдидаги қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратди. Жамоа шартномалари ҳамда битимлари иш бериувчи ва меҳнаткашлар ўртасида юзага келадиган айрим келишимовчиликлар ва муаммоларни бартараф этувчи муҳим ҳўқуқий ҳужжат бўлди. Марказий қўмита ва унинг жойлардаги тармоқлари фаолиятида меҳнаткашларга ҳавфсиз меҳнат шартлоари яратиш, касб касалликларининг олдини олишни назорат қилиш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Марказий қўмита ташаббуси билан ҳар йили мазкур масала бўйича темирўй компанияси бошқармалари, марказлари, бўлимлари ва корхоналарининг бош муҳандислари иштирокита қўшма йўмуришлар ўтказилди. Маъмурият томонидан меҳнат муҳўфазаси учун керакли маблағ ажратиш келинаётгани ҳам ўз самарасини берди. Натжижада 2004 йилда умумий жароҳатланшлар соми 2000 йилга қараганда 40 фоизга камайди. Меҳнат қонунчилигига риоя қилинишни назорат этиш, ҳўқуқий ёрдам қўрсатиш масаласи ҳам Марказий қўмитанинг доимиий диққат марказида бўлди. Марказий қўмита касабга уюшмалари ҳақидаги қонун ва тармоқ касабга уюшма Низомига мувофиқ ҳисобот даврида корхоналарда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан мунтазам назорат олиб бордилар. Ҳисобот даврида текширилган 56 корхонанинг айримларида иш бериувчилар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишга қабул қилиш, меҳнат тазтиладан қақриб олиш, интизомий чораларни қўллаш, иш вақтидан ташқари меҳнат учун маош ва ижтимоий тўловларда йўл қўйилган хатолар аниқланди. Қўрилган чоралар натжижасида барча меҳнат ҳўқуқи бузилишлари барҳам берилди. Касабга уюшмаларига мурўжаат этган ходимларнинг меҳнат ҳўқуқлари ҳимоя қилиниб, 4 нафар ишчига етказилган моддий ва маънавий зарар учун 1 миллион 700 миң сўмлик маблағ ундириб берилди. Меҳнаткашларда ўз ҳақ-ҳўқуқини билиш ва уни ҳимоя қила олиш қўнимқасини мустаҳкамлаш, меҳнат қонунчилигига оғишайли риоя этилишини таъминлаш ҳам касабга уюшмалари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг касабга уюшмаларига бўлган ишончи ортди. Чунки, ҳақ-ҳўқуқларини тиклашни сўраб касабга уюшмаларига тобора кўпроқ кишилар мурўжаат этишмоқда. Фирқимиз исботи сифатида меҳнат аҳлидан келган 168 та ёзма, 1078 та озаки мурўжаатни келтириш мумкин. Улар касабга уюшма мутахассислари томонидан қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, ақсарияти ижобий ҳал этилди. Тахлиллар шуни кўрсатдики, меҳнат қонунчилигининг бузилиши асосан ходимлар, шунингдек, иш бериувчиларнинг ҳўқуқий билিমлари етарли даражада эмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Демак, бу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, илгор тахрибалардан унумли фойдаланиш лозим. Темирўйчилар, транспорт қурувчилари ва улар оила аъзоларининг соғлигини мустаҳкамлашда касабга уюшма ва спортнинг ўрни алоҳида. Шу боисдан Марказий қўмита компания маъмурияти билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спорт клубларининг моддий базасини мустаҳкамлашга доимиий эҳтибор бериб келди. Бунгун кунда спортнинг теннис, бокс, футбол, тазкендо, каратэ, баскетбол, кураш турлари бўйича шуғулланиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланган спорт иншоотлари мавжуд. Бунинг натжижасида ҳисобот даврида 3 нафар халқаро тоифадарга спорт устаси, 19 нафар спорт устаси, 71 нафар спорт усталигига номзод этишиб чиқди. Тармоқ спортчилари жаҳон ва Осиё биринчилигида қатнашиб мустақил республикамиз шарафини ҳимоя қилдилар. Жумладан, қўқонлик боксчи Ориф Тошматов 2003 йилги жаҳон чемпионатида бронза медали билан тақдирланган бўлса, 2004 йилда Осиё чемпионатида қучмуш медални қўлга киритди. Утган 2004 йилда Марказий қўмита ташаббуси билан стол тенниси, дартс, мини футбол, бокс, шашка ва минтақавий темирўй тармоқлари орасида спортнинг уч тури бўйича му-

НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Ўлкамизда фасллар келинчаги баҳор эпкинлари кезмоқда. Наврўзи олам тантаналари дилларга шодлик улашмоқда. Юртимизнинг барча гўшаларида ушбу тадбирга катта ҳозирлик қўрилиб, ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишларига алоҳида эҳтибор берилмоқда. Шунингдек урф-одатларимизга кўра, байрам арафасида бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга кўмак бериш каби эзгу ишлар кенг амалга оширилмоқда.



химога муҳтож, боқувчисини йўқотган, касаллиги туфайли тўшақда ётиб қолган педагог-ҳодимлар ҳолидан хабар олindi.

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси туман кенгашлири ва вакилликлари томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган педагог-ҳодимлардан 78 нафарига олти юз миң сўм атрофида моддий ёрдам қўрсатилди. Таълим муассасаларида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, оиладаги муносабатларнинг ҳўқуқий асосларини тақомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама камолга етиши учун кўплаб ишлар қилинди. Уларни Ватанга садоқат, ота-онасига содиқ қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи «Келин салом», «Сумалак сайли», «Нафосат», «Баҳор айёми», «Наврўзи олам» каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди.

Сихат-саломатлик йилига бағишлаб педагог-ҳодимларнинг баҳорги таътилларида халқ таълими ходимларининг анъанавий V туман спартакиадасини ўтказиш режалаштирилган.



Боймурод ШЕРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Наманган туманида бугунги кунда 400 нафар фермер ҳўжалиги фаолият қўрсатмоқда. Улар томонидан 1841 гектар ерда галла, 2684 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ер билан тиллашининг ҳадисини олган фермерлар утган йил давлатга 5245 тонна сифатли дон топширдилар. Бу кўрсаткич туман бўйича етиштирилган галланинг 39 фоизини ташкил этиди. Хосилдорлик эса 64,4 центнерга етказилди. Пахта ҳосилининг эса 35 фоиз фермерлар ҳисобига тўғри келди. 108 гектар сабзаот, 170 гектар ердаги боғ ва тоқзорлар ҳам қишлоқ тадбиркорлари иктиёрига бериб қўйилган. Айни чоғда ушбу ҳўжаликларда 10 миң нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли меҳнат қилишайптир.

Туманда фермерларга катта эҳтибор билан ёндашилмоқда. Жумладан, уларга техника, ёқилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилаёттир. Тадбиркорларга енгиллик тўғрисида мақсадида, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитни биржа савдоси орқали олинмадиган қисмини етказиб беришда Республика хомашё биржасининг Наманган вилоят фирмаларида брокерлик ўрни яратилди. Бу нарса вилоят бўйича фақатгина мазкур туманда ташкил этилган билан эҳтиборга лойиқ. Бундан ташқари, туманда аҳолини шахсий томорқасидан оқилона фойдаланилмоқда. Хусусан, маҳаллий банклар томонидан кредитлар ажратилиб, махсус иссиқхоналар ташкил этилаёттир. Бу эса қўтилган натжижаларни бермоқда. Уларда етиштирилаётган мўл-қўл сабзаотлар кишининг қўқ ўртасида ҳам эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Мўҳим иш билан банд бўлмаганлар фойдали, даромадли йўмуш билан машғул бўлмоқдалар. Утган йили «Олимхожи» деҳқон-фермер ҳўжалигида вилоятдаги барча ёпиқ усулда сабзаот етиштирувчилар иштирокида семинар ташкил этилди. Унда Россия ёпиқ усулда сабзаот етиштириш илмий-тадқиқот институти мутахассислари қатнашдилар. Умуман олганда, мустақиллик йилларида туманда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Франция билан ҳамкорликда «Миришкор» МЧЖ, Тошбулоқдаги «Интер-тола» ипакни қайта ишлаш корхонаси, туман марказидаги педагогика коллежи, марказий деҳқон бозори, ҳашаматли теннис корти, янги ҚВГлар ишга туширилди. Натжижада ўтган йилнинг ўзига туман бўйича 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Утган йили юртимизда кенг нишонланган мустақиллик байрамида ҳудудда истикомат қилаётган боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам қўрсатилди. Ногиронларга махсус аравачалар топширилди. Бундан ташқари, бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахрийлари, нуруний кексалар байрам дастурхонига тақлиф этилдилар. Эндигина мактаб оstonасига қадим қўяётган болаларга эса ўқув қуроллари тақдим этилди. Бунда кўплаб хомий ташкилотлар, туман ижтимоий таъминот бўлими алоҳида ўрнат қўрсатишди. Ҳайрли ишлар бу йил ҳам изчил давом эттирилляпти.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

Оролбўйида қунлар исиб, замин майсаларга бурканди. Эл-юртнинг 41 миңдан зиёд қорамоли, 150 миң кўй-эққиси, 3717 бош йилки, 1900 га яқин туяларини парваришлаётган чорвадорларнинг юмушлари ҳар қачонгидан кўпайди.

Устирт - кенгликлар... Қумли сахро билан туташиб кетган яйловларда қўй-қўзилар яйрайди. Халқимиз дастурхонига барак киритаётган чўпон-чўликлар эрта тонгдан молларни яйловга ҳайдайдилар. Қоракўчликка ихтисослашган «Устирт» ширкат ҳўжалигининг Қизилжар яйловидамиз. Ҳар йили кўп миқдорда қоракўл тери, жун ва гўшт етиштириб, бир отардан икки отар яратаётган Қўнгирот туманидаги бу йирик ҳўжалик ислоҳотлар йўлидан бориб, салмоқли ютуқларни қўлга киритапти. Тажрибали чорвадор Кеулмжой Избанов чўпонлар суполидасидан. Кўп йиллар мобайнида сув ташиш машинаси бошқариб, овулдошлари огирини енгил, мушқулини осон қилди. Чўлнинг ҳар бир сўмоғи, яйлов табияти унга беш кўлдек аён. Бундан уш йил муқаддам алоҳида отар олиб, катта ўғли Нағашбой билан қўй-қўзи боқаяпти. Совлиқлар қишлоқдан тўқ ва семиз чиқиб, тўл мавсуми бошланди. Қарамоғидаги 648 та қўйнинг ярмидан кўпи совлиқлар. Дастлабки натжижалар ёмон эмас. 350 бош қўзи олинди, 275 таси ўстиришга қолдирилди. Қоракўл тери ва жун топшириш режаси ҳам ошириб бажарилди. — Яйловларда табиий ўт-ўланлар етарли, - дейди ёш чўпон Нағашбой Избанов. - Бир отардан икки отар яратиш, соғлом қўзиларни ўстиришга қолдирдик. Чўпонликнинг ўзига яраша сиру-синаотлари бор. Молларини тунда ва эрта саҳарда сөрўт яйловда боқиш, қўзиларни ажратиш, вақтида суғориш, касалликларга қарши кураш, қишлоқ учун озуқа жамғариш каби йўмушлар чорвадорлардан катта меҳнат ва фидойилик талаб этади.

Удумларимиз

техники «Қоракўлпоғистонда хизмат қўрсатган чорвадор»

қоракўл телпақларнинг харидорлари қўп. Олис яйловларда меҳнат қилаётган чорвадорлар тўғрисида гамаҳқор юқори даражада. Автодўконларда уни, шакар, туз, ўсимлик молы, совун, ҳар хил қандолат маҳсулотлари келтириб турилади. Чўпон-чўликлар мавсумий кийим-кечаклар билан таъминланмишган. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари тиббий қўриқдан ўтказилиб, касалликларга қарши эмланган. Баракада меҳнат вақтида рағбатлантирилаётганлиги туфайли қўрсаткичлар ўсиб, одамлар турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораляпти. Чўпон оилалари воёга етган фарзандларини ўйлантириш, қиз чиқариш, хатна тўйлар ўтказиш таррадуўида. — Чўлга оқшом чўкди. Тўлин ой ёғусида телаликдаги чўпон ўтови оқариб қуринадди. Дўмбиранинг соҳри овози қалбингизга ором бағишлайди.

қоракўл телпақларнинг харидорлари қўп. Олис яйловларда меҳнат қилаётган чорвадорлар тўғрисида гамаҳқор юқори даражада. Автодўконларда уни, шакар, туз, ўсимлик молы, совун, ҳар хил қандолат маҳсулотлари келтириб турилади. Чўпон-чўликлар мавсумий кийим-кечаклар билан таъминланмишган. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари тиббий қўриқдан ўтказилиб, касалликларга қарши эмланган. Баракада меҳнат вақтида рағбатлантирилаётганлиги туфайли қўрсаткичлар ўсиб, одамлар турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораляпти. Чўпон оилалари воёга етган фарзандларини ўйлантириш, қиз чиқариш, хатна тўйлар ўтказиш таррадуўида. — Чўлга оқшом чўкди. Тўлин ой ёғусида телаликдаги чўпон ўтови оқариб қуринадди. Дўмбиранинг соҳри овози қалбингизга ором бағишлайди.

ЁЛҚИН



И.ХАСАНОВ олган суратлар

ДИЛБАР ФАСЛ

19 март кунини ўтган Наврўз оиди умумалқ хайрия ҳашири миллатимизнинг яратувчилар, яшатириш, ободонлаштириш каби азалий фазилатларини яна бир қарра намойиш этди. «Қалия» - Жиззах шаҳридаги энг қадимий меҳнатлардан. Қалия телаликдан топилган қўна қалъа қолдиқлари халқимизнинг эзёқ ўтимишдан ҳўжа қиларди. Кўпчи қўрган нуруний кексалар Усов домла Каримов, Қодир бобо Жабборов, Туроб бобо Исмомлов бошчилигида опти юздан зиёд қалиялик ҳашар кўни астойдил меҳнат қилди. Маҳаллардаги бир ярим километрлик катта қўча, тўрт ярим километрлик ариқ тозаланиб, миңг туздан зиёд мевали ва манзарали даракт қўчалари ўтказилди. Икки томонлама қатновли йўлнинг ўртасига анвоий гуллар экилди. — Наврўз эзгу амалларнинг бошланмишидир, - дейди «Маҳалла» жамағмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммад Хасанов. - Март ойи бошидан буюн вилоятимиз аҳли ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишларига киришилди. Ҳашарда 1 миллион 211 миңдан зиёд фарғоналик иштирок этди. — Вилоятимиз аҳли хали қишининг қорин-қорини қўларни тутамасдан ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишларини бошлаб юборган эди, - дейди Фарғона вилоти «Маҳалла» жамағмаси раиси Толибжон Ҳасанов. - Бугун улар шуҳурти байрамимиз Наврўзи оидини обод ва озода гўшаларда қўлиб олмақда.

Шаҳар ва туманларда ҳашар кўни 553 миңдан ортиқ манзарали, 500 миңг тулд мевали, бир миллион туздан зиёд гул қўчалари ўтказилди. Беш юзга яқин эҳтиёманли оилага икки юз миллион сўмлик мурўват ёрдами қўрсатилди. Умумалқ ҳашарда Фарғона нефти қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш биғласмаси, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари жамоалари, маҳалла фаоллари алоҳида намуна қўрсатди. Шу кунини ишлаб топилган 250 миллион сўмлик маблағ вилоят «Маҳалла» жамағмаси ҳисобига ўтказилди.



И.ХАСАНОВ олган суратлар

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Ризқи-насибамиз  
бутун бўлсин,  
Дехқонларимизнинг  
омадини, баракасини  
берсин, ҳар бир оила, ҳар  
бир инсон бахтли бўлсин.  
Бу ғанимат дунёда бир-  
биримизга меҳр-оқибатли  
бўлайлик, бир-биримизни  
асраб-авайлаб, қадрлаб  
яшайлик.*

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Қуёш, нуринг тўкабер мўл-кўл,  
Баҳор кетма бизнинг бошлардан!  
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,  
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!*

Меросимизни ўрганамиз

УЙ ТҮРИДА, ҚАЛБ ҚҮРИДА

Кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиётини юлдуз тўла осмонга ўхшатса бўлади. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий эса мана шу осмоннинг кўшидир. У ўзининг бекиёс истеъдодини энг сўнгги заррасигача рўёбга қайтариб, улмас асарлари билан ўзбек тилига асос солиди ва ўзбек мумтоз адабиётини жаҳон микёсига олиб чиқди.

Уларни бойитишимиз, ривожлантиришимиз керак. Бу албатта ақл-идроқимизга, маънавиятимизга боғлиқ. Албатта, Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар талайгина. Уларни ўрганганинг сайин янги янги маънолари очилиб бораверади.

Халқимиз ҳар доим ўз даҳоларини эъзозлайди. Президентимиз Ислам Каримов Навоийнинг бебаҳо асарларини илмий асосда ўрганиш, Навоийнинг ибратли шахсияти, унинг ҳикматларга тўла асарлари моҳиятини кенг оммага етказиш, ҳар бир ўзбек хондонига Навоий аталмиш бойликнинг кириб боришини таъминлаш, айниқса ёш авлод оғидида Навоийга муҳаббат руҳини сингдириш лозимлигини таъкидлади.

«Навоий қомуси» қай аҳволда? - Навоий кўллаган бадиий воситаларни қай даражада тушунамиз? - Мактаблар, академик лицей ва коллежаларнинг адабиёт дарсликларидида Навоий ижодиётига етарлича соат ажратилганми? - Мактаб ўқувчиларига Навоийнинг ғазал ва рубоийларини ёд олдириш мажбурий дастурга айланмиши керак. Агар ўқувчи тушуни ёд олма, хотирасида асар абадий қолади. Буюк Навоий асарларини бола ёшига мослаб ўқитиб, уқтирилса, улар гўзаллик ва нафосат шайдосига айланадилар ҳамда юксак маънавий соҳиби бўладилар. Эндилкида, Навоий номини мадҳ этиш билан чекланмасдан, бу улуг сиймо асарларини ҳар кунни ўқиб-ўрганиш лозим. Билим даргоҳларида Навоий асарларини йил давомида ўқитиш керак. Эъзозлайдиган, улуглайдиган миллий қадриятларимиз кўп ва улар ранг-баранг.



БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

Масалликлар: 3 дона товۇқ сони, 1 та батон, 1 та картошка, 50 гр сариеғ, 1 пиёла сут, 2 та тухум, 100 гр ёнғоқ, 200 гр ёғ, туз ва зираворлар. Батоннинг устки қавати майда қилиб тўғралади ва газ духовкасида қуритилади. Қолган юмшоқ ички қисми сутга бўктириб қўйилади. Суяқларидан ажратилган товۇқ гўшти, ивтилган батон ва картошка бирин-кетин ҳаммаси гўшт майдалагичдан чиқарилади. Хосил бўлган масалликқа туз, зираворлар қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва ҳар бирининг орасига сариеғ, 2-3 дона ёнғоқ қўйиб катта-катта котлетлар ясалди. Сўнг яхшилаб иланган тухумга ботирилиб, усти қуритилган батон бўлақларига булғалади.

қилган ёнғоқ. Шоколадли глазури учун: 3 қошиқ какао, 3 қошиқ шакар, 6 қошиқ сув ва 25 гр сариеғ.

Тухумнинг оқи саригидан ажратилиб яхшилаб кўпиртирилади. Оз-оздан шакар, ун ва тухумнинг сариги солиб аралаштирилади. Қизиб турган газ духовкасида ўрта оловда оқ пушти рангга киргунича пиширилади. (Бисквит пишайтган вақтда газ духовкасининг эшигини очманг).

Бисквит пишгунича крем тайёрланади. Қозончага сут, тухум, шакар, ун солиб аралаштирилади ва оловга қўйилади. (Массани қайнагунича қадар аралаштириб туриш керак). Қайнаб қичқак совутилади ва алоҳида идишда кўпиртирилган сариеғ билан қўйилади.

1,5 соат давомида қайнатилиб, ирис ҳолатига келтирилган қулоттирилган сутга ёнғоқ аралаштирилади.

Совуқ бисквит ўртасидан бўлинади. Пастки қисмининг ичи ўйиб олинади. Кейин ёнғоқ аралаштирилган қулоттирилган сут бир текисда суртилади. Ичидан олиб қўйилган бисквит ушоқларга устига солинади. Ундан сўнг «Шарлотт» кремнинг ярми суртилиб, бисквитнинг иккинчи бўлағи ёпилади. Иккинчи бисквит бўлагининг усти ҳам қолган крем билан қопланади. Унинг устида эса қайноқлигича шоколад глазури қўйилади.

КЎРКАМ ВА ТОТЛИ

Бисквит тайёрлаш учун: 9 та тухум, 1,5 стакан шакар, 1,5 стакан ун. «Шарлотт» кремни тайёрлаш учун: 0,5 л сут, 1 та тухум, 1 стакан шакар, 3 ош қошиқда тўла ун, 250 гр сариеғ. Сулоттирилган сут ва 1,5 стакан ча-

2005 йил — Сўхат-саломатлик йили "МАДАНИЯТ" ШИФО МАСКАНИ

хўжалик маблағи ҳисобидан қурилди

Бухоро туманида аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустақамлаш, уларни замонавий таъхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга қаратилган кенг миқёсдаги ишлар амалга ошириляпти.

Тумандаги «Маданият» ширкат хўжалигининг доверуи мамлакатга таралган. Бухоро пахтачилгининг таъриба мактабига айланган аҳил ва иноқ жамоада 2004 йил 1 миллиард 850 миллион сўм даромад олиш билан аяқланди. Сармоиянинг 800 миллион сўмини соф фойда ташкил этади.

Олинган фойданинг 300 миллион сўми аъзоларга дивидент сифатида тарқатилса, ярим миллиард сўми ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга сарфланади, - дейди хўжалик раҳбари М. Аҳмедов. - Яқинда чиройли, ҳамма шароитларга эга бўлган спорт мажмуаси фойдаланишига топширилди. Яна 2 та қишлоқ врачлик пункти қурилиши ҳадемай ниҳоясига етказилади.

Ислохотлар талабидан келиб чиқиб, тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш учун воҳада 81 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилган бўлса, шундан энг қулай ва намуналиси Маданият қишлоғида жойлашган. Янги шифоатхонани бунёд этиш учун ширкат ҳисобидан 90 миллион сўм маблағ сарфланди. ҚВП замонавий таъхис қўядиган ва муолажаларни амалга оширадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айна вақтда 20 га яқин тиббий ходим иш билан таъминланди.

«Сўхат-саломатлик йили» давлат дастурида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишлари учун етарлича шароит яратиб бериш кўзда тутилган, - дейди туман марказий шифохонаси бош врач Хаким Мухторов.

Аҳолига 15 та даволаш бўлимини жиҳозлашган Марказий шифохона, 240 қатновга мўлжалланган 4 та поликлиника, 41 та қишлоқ врачлик масканлари хизмат кўрсатмоқда. 206 нафар врач, 1035 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари беморлар дардида даво топиш учун тимини эъзозлашяпти.

Ички касалликлар бўлими мудири Раҳим Мирзаев, болалар бўлими врач Бахтиёр Сафаров, туғруқхона дояси София Хожиева, тез тиббий ёрдам маркази ҳамшираси Халима Омоноваларнинг беминнат хизматидан беморлар мамнун.

Тиббиётдаги ислохотлар самара берапти. Давлат тасарруфидан чиқарилган неврология бўлимининг ўзига ҳар йили бюджетдан ташқари 10-12 миллион сўм маблағ ишлаб топмоқда.

Ходимларни рағбатлантириш учун 20 миллион сўм сарфланиб, 100 дан зиёд шифокорларга моддий ёрдам кўрсатилди. 50 дан ортиқ врач ва ҳамширалар сўхатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар билан ўз соғлиқларини тиклаб қайтидилар.

Тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари бир-биридан кўркем, баҳаво жойларда қурилган. Кундузги бўлимлар, физиотерапия, УВЧ, игна санчиб даволаш, уқалаш каби муолажа хоналари ишлаб турибди.

Хўжалигимизнинг Деҳқончи қишлоғида қурилган янги шифо маскани она-ғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишлари учун етарлича шароит яратиб бериш кўзда тутилган, - дейди туман марказий шифохонаси бош врач Хаким Мухторов.

Аҳолига 15 та даволаш бўлимини жиҳозлашган Марказий шифохона, 240 қатновга мўлжалланган 4 та поликлиника, 41 та қишлоқ врачлик масканлари хизмат кўрсатмоқда. 206 нафар врач, 1035 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари беморлар дардида даво топиш учун тимини эъзозлашяпти.

Ишон соғлиғига устувор йўналиш деб қаралаётганиги меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтиришга ижобий таъсир ўтказмоқда.

И.ИСОМИДИНОВ

"Аёло ўйинчи": ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Ҳа, омад дегани бор нараса. Бунга Виталий Орлов ҳам яқинда ишонч ҳосил қилди. Таъкидлашчи, у баъзи дўстлари каби компьютерли бўлишни орзу қилиб юрарди. Миллий университетнинг физика факультетидида тахсил олаётган талаба учун бу фойда зарур эди. Яқинда омад кулиб боқиб, компьютерли бўлди. Ҳа, омад дегани бор нараса. Бунга Виталий Орлов ҳам яқинда ишонч ҳосил қилди. Таъкидлашчи, у баъзи дўстлари каби компьютерли бўлишни орзу қилиб юрарди. Миллий университетнинг физика факультетидида тахсил олаётган талаба учун бу фойда зарур эди. Яқинда омад кулиб боқиб, компьютерли бўлди.

Моҳира опа Темирова Тошкент шаҳар Қорақамиш мавзосида яшайди. 8 март куни умрдоши унга ва қизига "Аёло ўйинчи" лотереясини сова қилганди. Яхши ният яқинда. Қаранг, чипталарнинг бирига 500 сўм, иккинчисига 1000 сўм, яна бирига эса телевизор ютуғи чиқди. Оила аъзоларининг ихлоси бу ўйинга янада ортди.



"Аёло ўйинчи"дан ютуқларни олиш учун келган бахтли инсонлар билан суҳбатлашар эканми, ҳаммаларнинг дидади ва тилида бир гап: "Аёло ўйинчи"га ишонса бўлади! Фарғоналик Аскар Йўлдошев, чирчиқлик Маъмуржон Ганиев, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Манзура Бегайиева, Забаржад ва Шавкат Зияев ва бошқалар телевизор, кир ювиш машинаси, дазмол, электройнақдан тортиб то "Нексия" автомобилгача ютиб олишди.

«Лото лайт» компаниямиз одамлар ишончини қозона олганидан хурсандми, - дейди менежер Анна Бокова. - Ўзбекистон-Россия қўша қоронамиз ўтган йили ишга тушган бўлсада, ишларнинг кетиши чакки эмас. Ният қилган орзусига эришин.

С.ФАХРИДИНОВА

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА



Ёшларни кучли, соғлом ва руҳан тетиб этиб тарбиялашда спортнинг ўрни катта. Сўхат-саломатлик йилида юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тарғиботига кенг эътибор қаратилаётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани прокуратураси ўз оталиғидаги 94-умумтаълим мактабидида кўплаб спорт тадбирларини ўтказишга бош-қош бўлмоқда. Кўни кеча ўқувчилар ўртасида "Кувнок стартлар" мусобақаси бўлиб ўтди. Уғил-қизлар ўзларининг чаққон, зукко ва ҳаракатчан ҳислатларини намойиш этишди. Уларнинг тўсиқлар оша югуриш, тўпларни халқадан туширмай олиб юриш, коптоқни нишонга тўғри теккизиш каби машқларни моҳирона бажаришлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Мусобақа яқинида голийликни кўлга киритган жамоаларга Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.



Фарзандларимизнинг жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб ўсишларига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандми. Бу йўлдаги таъхис-ҳаракатлар изчил давом этирилади, илғор таърибалар оммалаштириб борилади, - дейди туман прокурори Усмон Эргашхўжаев.

Белгиланган тадбирларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши кураш мавзуларида ўқувчилар билан давра суҳбатларни мунтазам ўтказиб келишмоқда. «Омад» спорт клубида ёшлар билан ўтказилаётган жонли мулоқотлар кутилган самарасини бермоқда.

Суратларда: мусобақа жараёни; туман прокурори ўринбосари Равайн Хакимов голий жамоага совринларни топширмоқда.

Иқром ХАСАНОВ олган суратлар

СКАНВОРД

A crossword puzzle grid with various words and numbers indicating the length of the words to be filled in.

Бобурийлар салтанати 300 йилдан кўпроқ давом этади. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири деб таърифланадиган бинони қурдирган ҳам шу авлод вақилидир. Бу бугун ҳам барчанинг ақлини шошириб қўяётган Тож Маҳал қасридир.

Султон Шох Жаҳон Тож Маҳални бунёд этиб Агранин шухратини оламга фойди. У мана шу қаср тўғрисида тарихда абадий қолди. Маълумки, Аржуманд Бону - Мумтоз шаҳзоданинг севишли рафиқаси, оғир ва суронли йилларда яқин сардоши эди. Уша даврдаги тож-тажт талашилар, кирин-баротлар бу иккала севишганларни синновдан ўтказди. Улар бир-бирига қаттиқ боғлиқ қолди.

1627 йилда Шох Жаҳон тахтини эгаллаганидан сўнг, Мумтоз Маҳал Хиндистон маликасига айланади. Шох Жаҳон рафиқасини ниҳоятда қаттиқ сева, хурматини жойига қўяр, унинг шарафига катта-катта тантаналар ўтказарди. Уни еру қўкка ишонмасди. Мумтоз Маҳал Тўққиз фарзанд қўради. Шаҳзода фарзандларининг барчасини яхши қўради. Бирок, Мумтоз Маҳал унинг учун ҳамма нарсадан устун эди. Аммо тақдирнинг бевафоллигини қарангки, 1636 йилда малика тубадан кал-

Билиб қўйган яхши

лаб юборишди. Оқ мрамардан, беш гўмбази, деворлари қимматли машҳур макбара бунёд этилди. Турли эл-элатларнинг вақиллари бу муҳаббат қасрини қарий йигирма йил давомида қурдилар.

Шох Жаҳон Исохон афандига шундай амр этганди: «Сен гўзал ойнинг шаффоф нуруни тошларга сингдир, ёруғ юлдузлар шуъласидан

МУҲАББАТ ҚАСРИ

либ чиққан бу сўзлар кейинчалик Мумтоз маликанинг қабр тошига ёзиб қўйилди. У давлат ишларига ҳам қизиқмай қўйди. Унинг учун дунё батамом тугагандек эди. Уилай-ўйлай у бу аҳволда ўзини хароб қилишини тушуниб етди. Севишли рафиқаси ўлими олдидан Шох Жаҳонга ўз муҳаббатларига муносив макбара қуришни васият қилганди. Шох Жаҳон ана шу васиятни бажаришга киришди.

Мезмор Устод Муҳаммад Исохон афанди бошчилиғида 20 минг бинкор, тош йўнувчи, заргарлардан иборат усталар макбара қуришни бош-

лаб юборишди. Оқ мрамардан, беш гўмбази, деворлари қимматли машҳур макбара бунёд этилди. Турли эл-элатларнинг вақиллари бу муҳаббат қасрини қарий йигирма йил давомида қурдилар.

Шох Жаҳон Исохон афандига шундай амр этганди: «Сен гўзал ойнинг шаффоф нуруни тошларга сингдир, ёруғ юлдузлар шуъласидан

ISHONCH logo and contact information including phone numbers, address, and website details.